

Тақво дарси



08:11 / 23.03.2021 3470

Бишр Ҳофийнинг сингиси Имом Аҳмаднинг олдига бориб, шундай деди:

- Биз кечаси билан тўқувчилик қилиб, тирикчилик қиламиз. Баъзан Бағдод волийларининг Бану Зоҳирлик қўриқчилари ёнимиздан ўтиб қолишади, шунда машъаланинг ёруғи тушганда бир-икки қатор тўқиб қоламиз. Шуниси бизга ҳалолми ёки ҳаромми?

- Сиз кимсиз?

- Бишрнинг сингисиман.

- Оҳ, Бишрнинг оиласи... Сизлардан доим ҳақиқий вараъ (тавқо) ҳақида эшитаман. Хонадонингиздан ҳақиқий тақвонинг ифори келиб туради. Сизлар ўша ёруғда тўқиманглар.

«Солиҳлар гулшани» китобидан олинди